

ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

**“МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШДА
НАВОИЙ ИЖОДИЙ МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ”
МАВЗУСИДАГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН
I-Тўплами**

ТОШКЕНТ – 2021

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси томонидан Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига бағишлаб ўтказилган “Миллий ўзликни англашда Навоий ижодий меросининг аҳамияти” мавзусидаги илмий-амалий анжуман тўплами. – Тошкент: 2021 йил.

Ушбу тўпланда мамлакатимизнинг етакчи навоийшунос олимлари, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари томонидан “Инсон ўзгарса – жамият ўзгаради” ғояси асосида тараққиётнинг янги босқичи – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда Алишер Навоийнинг беназир адабий мероси, шунингдек фаолиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштиришга қаратилган илмий-амалий таклиф ҳамда тавсиялар тақдим этилган.

ТАҲРИР КЕНГАШИ:

А.Қодиров	Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши раиси
Ф.Мухамеджанова	Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши раиси ўринбосари
О.Давлатов	Тошкент давлат шарқшунослик университети ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори
Ш.Султанова	Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши бўлим бошлиғи

Тўпландаги матнлар, фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар учун муаллифлар масъулдир.

рецептларини таржима қилишда, балки янги таомнома яратишда меню изоҳларини ёзиш учун ҳам ниҳоятда зарур. Кулинар глоссарий гастронимик энциклопедия, йўриқнома ва мавзуга оид икки тилли китобларга ҳам илова қилиниши мумкин. Кулинар глоссарийни яратишда қуйидаги мезонларга риоя қилишни тавсия этамиз:

- гастронимик терминларнинг аниқ эквивалентларини топиш;
- аслият тилидаги рецепт клишеларини қиёсий таҳлил қилиш;
- глоссарийнинг ҳамма бўлимларининг мавжудлиги (Биринчи бўлим – маҳсулот номлари луғати, Иккинчи бўлим – ошхона буюмлари луғати, Учинчи бўлим – жараён мобайнида ишлатиладиган сўзлар луғати, Тўртинчи бўлим – маҳсус тайёрланган ярим-тайёр маҳсулот номлари луғати, Бешинчи бўлим – миқдор бирликлари бўлими;
- глоссарий изоҳларининг қисқа ва раво тилда ёзилиши, таом мансуб бўлган халқнинг лингвомаданий қарашларини акс эттириши.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Irina Petrovska. Language standards of the gastronomic offer/ DOI 10.20544/HORIZONS.A.20.1.17.P29 UDC 811.163.3'276.6:641 811.111'276.6:641
2. Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси рецептлар базаси.

“ҲАМЛЕТ” ТРАГЕДИЯСИНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК

ХУСУСИЯТЛАРИ

Ж.И. Мизрובה,

Бухоро давлат университети

Инглиз адабиёти кафедраси ўқитувчиси

Шекспир ижоди тағмотидаги “олам-саҳна” каби яширин метафораси муаммоси Шекспир фаолиятининг энг кам ўрганилган соҳаларидандир.

Мазкур метафорани Шекспир ўзининг бутун ижоди тагматнида яширин ҳолда ишлатади. “Ҳамлет” трагедиясининг тагматнида яширинган “олам - сахна” метафораси эса янада кенгайтирилган бўлиб, асар адабий усулининг элементи сифатида қатъий структурал функцияга эга ва фожианинг ўзи ҳам худди шу метафора асосида қурилган.

“Ҳамлет” трагедиясида “олам-сахна” каби яширин метафораси муаммоси, трагедиядаги синтаксис ва паремиологик бирликлари, фожидадаги турли образли услубий воситаларнинг ўзига хос хусусиятларининг қиёсланаётган таржималарда ўз аксини топиш жиҳатлари таҳлил қилинган.

Мазкур бўлимда “Ҳамлет” фожиасида қўлланилган “олам-сахна” концептини ифодаловчи “action”, “to act”, “an act”, “to play”, “a play”, “to perform”, “a performance” (театр намоёиши, спектакль), “to show” (кўрсатмоқ, намоёиш), “a show”, “art”, “an audience”, “stage”, “fool”, “player”, “actor” айёрлик, маккорлик, ҳийлагарлик, муғомбирлик, макр, найранг, ҳийла-найранг каби таърифлари қиёсланадиган таржималарда таҳлил қилинган. Масалан биринчи мисолда “In action how like an angel!” каби гапида муаллиф Ҳамлет тилидан инсон шаклан ва ҳаракатлари билан фариштага ўхшаса ҳам, аслида, трагедия тагматнидаги “олам-сахна” метафорасига мувофиқ фариштамонанд ҳаракатлари ортида сохталик, ясамалик ва унинг ҳаёт сахнасида моҳир актёр эканлигини яна бир бор таъкидлайди. Маҳоратли ўзбек мутаржими “**action**” сўзини (туриш-турмуши) деб жуда тўғри ўтиради. Ўзбек таржимони аслиятдаги “action” сўзининг миқёсини айнан Шекспирнинг ўзидай ифодалай олган ва рус вариантларидаги сўзларнинг (в действии – М.Л., поступками – Б.П.) маъноси кўлами жиҳатидан ҳам анча устун келган.

Трагедиядаги синтаксис ва паремиологик бирликлар таржимасининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш жараёнида аслият синтаксиси ва паремиологик бирликлари лингвопоэтик хусусиятларининг қиёсланаётган таржималарда акс эттирилишдаги ўзига хосликлари кўринади. Биргина

мисолда: Ҳамлетнинг қизғин нуткидан кўриниб турибдики, М. Шайхзода Б. Пастернак таржимаси воситасида ағдарганлиги туфайли рус вариантыда тушириб қолдирилган қаторлар ўзбек ўғирмасида ҳам қатнашмаган. Натижада, юқорида келтирилган М.Шайхзоданинг таржима матни ҳажми жиҳатидан аслият матнидан анча қисқартирганлигини кузатишимиз мумкин.

Ж. Камол ўз таржимасини бевосита аслиятдан амалга оширган. Шу боис, унинг таржимасида аслият мазмуни аниқроқ ифодаланган ва мазкур таржимага янги қанот бағишлаган. Масалан, Шекспирнинг кичик ҳажмдаги нутқий бутунлигида, аслият матнида ҳам, рус таржима вариантларида ҳам “масал” каби сўз қатнашмаган бўлса-да, бевосита ўзбек таржимасида мазкур лексик birlikнинг қўлланилганлигини кузатишимиз мумкин. Бу ҳолат Ж.Камолнинг нафақат аслий матн, балки “Ҳамлет” асарига тегишли изоҳ-тасвирлар билан ҳам яқиндан таниш эканлигини кўрсатади. Маълумки, У.Шекспир ижоди - инглиз тилига ўрнашиб олган паремиологик birlikларнинг асосий бадиий манбаи сифатида эътироф этилади. Тадқиқотда амалга оширилган таҳлиллар натижасида баъзи таржималарда аслиятдаги паремиологик birlikларнинг сўзма-сўз таржималарини ёки сўзма-сўз ўғирмадан воз кечиб, турли трансформациялар ёрдамида мутаржимларнинг ижодий ёндашганини кузатишимиз мумкин. Масалан: калька, хиазм, инверсия, модуляция, конкретизация каби усуллар шулар жумласидандир.

Аслиятдаги турли образли услубий воситаларнинг (касаллик, оғир дард, уруш ва зўравонлик, қурилишга оид, егулик ва ҳазм қилиш, гўзаллик, инсоний фазилатлар) ларнинг қиёсланаётган таржималардаги шакли, уларнинг замирида турувчи тимсолларнинг турли грамматик, лексик ёки комплекс трансформацияларига ва ўзгаришларга учраган. Масалан: Шайхзода курраи заминни “this goodly frame” яъни, “**кўркам иморат**”, деб атайди. Ва Ж.Камол таржимасида “коинот гулшани” ва М. Шайхзода ўғирмасида “коинотнинг бу гулзори”, деб метонимия шаклига

алмаштирилган. Кўринадик, ўзбек таржималарида шакл ҳам, тимсол ҳам ўзгартирилган. Аслиятда курраи заминга “кўркам иморат” тимсоли берилган, ўзбек таржималарида курраи заминга “гул” тимсоли берилиб, у коинотнинг гулшани ва гулзори деб мутаржимлар аслиятнинг бадий эффеќтини қайта яратиш маќсадида окказионал мосликда ўзгартирилган. Ўзбек китобхони учун кўркамлик концептига мос келадиган “гул” тимсолини қўллаганлар: уларнинг таржималари табиий ва ишонарли чиќқан.

Паремиологик бирликларнинг таржимасида доим ҳам аслият миќёсига тўла-тўќис эришмоќлик қийин. Одатда, бундай табдилда ёки паремиологик бирликнинг ўзи ёки унинг мазмуни курбон бўлиши табиийдир. Асардаги паремиологик бирликларнинг ўгирмасида учрайдиган бир қатор лингвистик ва экстролингвистик тўсиќларга қарамасдан мутаржимлар таржима трансформациялари ёрдамида аслият паремияларини таржима тилига яќинлаштиришга уларнинг стилистик буёғи ва ҳаттоки, афористик хусусиятларини, шунингдек, мазкур бирликларнинг структурасини ҳам имкон қадар асраб қолишга уринганлар.

Аслиятдаги сўз ўйинлари, паремиологик, фразеологик бирикмалар турли таржималари таҳлилларида уларнинг семантик, синтактик ва прагматик мутаносибликларда қурилган. Шекспир матнидаги бу каби турғун бирликларнинг адекват таржимаси деганда, биз маълумотнинг семантик ва синтактик (эквивалент) структурасининг қисман ёки бутунлай ўзгарса-да, уларнинг прагматик хусусиятлари асраб қолингани кўрилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жамол Камол. Отелло. – Тошкент., 1991. – Б. 920.
2. http://www.theatre-library.ru/files/sh/shakespeare/shakespeare_20.html
3. Мақсуд Шайхзода. Танланган асарлар. Учинчи жилд. – Тошкент., 1983. – Б. 124.

МУНДАРИЖА

“МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШДА НАВОИЙ ИЖОДИЙ МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ” МАВЗУСИДАГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ ТЎПЛАМИ

А.Қодиров. Алишер Навоий – ўзликни англаш асосчиси	4-7
И.Ҳаққул. Ҳукмдорлик равнақи тўғрилиқ ва адолатдир	8-13
О.Давлатов. Навоий “Ҳамса”си ва “Темур тузуклари”	13-17
К.Муллахўжаева. Алишер Навоий ижодида комил инсон ғояси	18-21
Д.Юсупова. Алишер Навоий ижодида устоз ва шогирд анъаналари	21-26
О.Султонмурод. Алишер Навоий – давлатшунос	27-39
Б.Тўхлиев. Алишер Навоийнинг маънавий оламига бир назар	39-49
З.Худайбергенова. Алишер Навоийнинг усмонли адабиётига таъсири	49-60
М.Собирова. Янги Ўзбекистондаги ўзбек тили таълимида Навоий асарларидан фойдаланиш	60-67
М.Ибрагимова. Алишер Навоий асарларининг ўзбек тилини ривожлантиришдаги аҳамияти	68-70
Ў.Исламов. Алишер Навоий асарларида ифодали нутқ ва унинг муҳим омиллари	71-78
L.Sharipova. Nazrat Navoiy ijodida soʻz madhi	78-80
Н.Жабборов. Бобур лирикасида миллий руҳ ифодаси	80-90
G.Teshayeva. Soʻz guhariga erur oncha sharaf	90-93
Н.Жўраева. Давлат тилини ривожлантиришда мумтоз адабиётнинг ўрни	93-100
С.Ғофурова. Тил тарихи – миллат тарихи	100-108

**“ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ РАҚАМЛИ ЛИНГВИСТИК РЕСУРСИНИ
ЯРАТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ” МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ ТЎПЛАМИ**

А.Қодиров. Кириш	112-117
Н.Мухторов. Ўзлингнинг ўзингдасан	118-121
А.Қирғизбоев. Она тили - тафаккурнинг бебаҳо хазинаси	122-124
И.Ғафуров. Одамлар, огоҳ бўлинг: саводхонлик хавф остида!	125-131
Тил ўқитишни қисқартириш эмас, аксинча кучайтиришни талаб қиламиз!	
К.Баҳриев. Маҳмудхўжа Бехбудий ва тил сиёсати масалалари	132-140
И.Азимов. Она тилимизга ҳурматни ўзимиздан бошлайлик	141-148

**I ШЎЪБА: ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ РАҚАМЛИ ЛИНГВИСТИК
РЕСУРСИНИ ЯРАТИШ ВА МУКАММАЛЛАШТИРИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

S.Muhammedova, N.Abdurahmonova. O‘zbek tilini dunyoga olib chiqish zarurati	149-152
Х.Мухитдинова. Таълим босқичларида ўзбек тилининг ўқитилиши: эришилган ютуқлар, мавжуд муаммолар ва истиқболдаги вазифалар	153-166
З.Холманова. Миллий тараққиёт миллий кадрлардан бошланади	166-171
З.Ҳолматова. Ўзбек тили ривожига педагогик терминларнинг ўрни	171-175
N.Musulmonova. O‘zbek tilining raqamli lingvistik resurslarini yaratishda talabalarni tayyorlash uchun innovatsion metodlar	175-179
Б.Омонов. Она тили – миллат руҳи, жамиятнинг уйғоқлиги демак!	179-189
Б.Омонов, З.Ахматова. Ўзбек тили жозибадорлиги – миллат обрўси	190-193
Г.Одилова. Кулинар глоссарий тайёрлашнинг лингвистик	193-205

тамойиллари	
Ж.Музрабова. “Ҳамлет” трагедиясининг лингвопоэтик хусусиятлари	205-208
Э.Жабборов. Имлога эътибор – илмга эътибор	208-212
Б.Баҳриддинова. Миллий бойликлар ичра энг бебахоси	213-220
Л.Ўроқова. Изоҳли луғат нафақат мутахассисларда, балки ҳар бир хонадонда бўлиши керак	221-226
Q.Olloyorov,, Sh.Madiyorov. Xorazm dostonlari onomastikasining leksik qatlamlari masalasiga doir	227-233
Д.Юлдашев. Замонавий ўзбек номшунослигида антропоцентризм	233-240
Р.Маҳмудов. Огаҳий тарихий асарларида археоантропонимлар	240-248
Б.Қараева. Хорижда ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганиш жараёнида бадий матнлар устида ишлаш методлари	249-256
Ҳ.Мирзахмедова. Ўзбек ва форс тилида арабий муштарак сўзларнинг ишлатилиши	256-266
Г.Нуруллаева. Тил – миллат кўзгуси	266-268

II ШЎЪБА: ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ЭЛЕКТРОН КОРПУСИНИ ЯРАТИШНИНГ ДОЛЗАРЪЛИГИ

N.Abdurahmonova. O‘zbek tili korpusi til texnologiyasining lingvistik resursi sifatida	269-273
Б.Менглиев, Ш.Ҳамроева. Морфологик маълумотлар базаси тил корпусининг лингвистик таъминоти сифатида	273-277
З.Худайбергенова. Хорижда ўзбек тилининг ўқитилишида рақамли технологияларнинг татбиғи тажрибаси (туркия университетлари мисолида)	277-282
X.Qodirova. Mental xususiyatga ega evfemizm va disfemizm hodisalarini o‘zbek tilining elektron korpusini yaratishdagi ahamiyati	283-287
N.Abdurahmonova, G.Xayrullayeva. O‘zbek tilining ta’limiy korpusi kontentini yaratish xususida	287-290
O.Nasirdinova. Ikkinchi (b1) til darajasining ceFr(1) va davlat ta’lim	291-296

standartlaridagi tavsifi: umumiy va farqli jihatlari

Q.Urdishev. Korpusshunoslikning lingvistikaning turli yoʻnalishlari bilan bogʻliqligi 297-300

A.Hasanov. Oʻzbek adabiy tili leksikasini sheva soʻzlari bilan boyitish xususida 301-306

O.Tʻuraqulova. Таълим жараёнида ёзма саводхонликни оширишнинг

асосий омиллари

Y.Eshmatova. Oʻzga tilli guruhlarda sheʼrlarning janr xususiyatlarini farqlashga oʻrgatish 309-313

Ш.Ҳамроева. Ўзбек тили морфоанализатори лингвистик ресурс сифатида 313-319

Ш.Шаҳобиддинова. Ўзбек тили сўз шакллари миллий корпус учун морфологик теглаш масалалари (феъл сўз туркуми мисолида) 320-326

Н.Ғаффоров. Ўзбек тили – миллий маънавият пойдевори 327-331

G.Muxamedjanova. Oʻzbek tilini oʻqitish jarayoniga axborot texnologiyalarini joriy qilish va davlat tilini boyitish manbalari 331-334

M.Siddiqov. Oʻzbek tilining elektron korpusini yaratishda metonimik koʻchishning til sinonimik tizimi taraqqiyotiga taʼsiri 334-338

M.Zokirov, Gʻ.Abduvahobov. Axborot texnologiyalarini tilshunoslikda qoʻllash imkoniyatlari xususida 338-341

B.Polvonova. Akademik litseylar uchun masofaviy taʼlimda ozbek adabiyotini

oʻrganishning oʻziga xos usullari

Г.Бегматова. Ўзбек миллий корпусида идиомалар базасини яратишнинг

илмий-амалий асослари: тамойиллар, усуллар, воситалар

A.Axmedova. Корпус лингвистикасида кучайтирилган мотивацияга эга

ўхшатишларнинг семантик таҳлили

III ШЎБА: ЛОТИН-ЎЗБЕК АЛИФБОСИНИ ТЎЛИҚ ЖОРИЙ ЭТИШДА ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК

Sh.Aqmanova. Lotin yozuviga o'tishdagi ijtimoiy muammolar yuzasidan mulohazalar	356-359
Ф.Ғофурова. Имлони ўрганишдаги муаммолар	359-363
Г.Матаева. Янги имло қоидаларининг амалдаги имло қоидаларидан фарқи	364-371
O.Normurodov. Ona tili darsliklari yuzasidan ayrim mulohazalar	372-374
Ф.Тоғаева. Лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосини жорий қилиш ва янада такомиллаштириш: Муаммо ва ечимлар	375-379
D.Normurodova. O'zbek alifbosi va uning islohi	379-385

IV ШЎБА: ДАВЛАТ ТИЛИ СОФЛИГИНИ САҚЛАШ ҲАМДА БОЙИТИШ МУАММОЛАРИ

М.Сапарниязова. Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақомини кучайтириш истиқболлари	386-393
У.Қосимов. Ўзбек тили - миллий тафаккур ва руҳият кўзгуси	393-399
N.tursunova, F.Nizomov. Xalq jonli tilida qo'llaniladigan so'zlarning badiiy asarlarda aks etishi	399-403
Ҳ.Бердиев. Давлат тили таълими нуфузини оширишда мумфилологик манбаларнинг ўрни	404-408
И.Эрназарова. Давлат тилини муаллифлик сўзлари билан бойитиш масаласи	408-411
D.Normurodova. O'zlashma so'zlar va ularning nutqdagi o'rni	412-417
U.Shermatova. Millat ruhini saqlash yo'lida	417-419
М.Аҳмаджонова. Атама ва атамашунослик	419-423
С.Қурбонова. Давлат тилида иш юритишнинг долзарб муаммолари	423-425
Z.G'aynazarova, Z.Naydarova. O'zbek tili o'zbek xalqining ma'naviy mulkidir	425-429

D.Ro‘zimatova. Tibbiy terminlarni qo‘llashda shifokor nutqiy madaniyati	429-432
D.Salimova. Tarjimon uchun murakkab so‘zlar lug‘atini tuzish dolzarb masala	433-438
Қ.Қадиров. Элга ҳурмат тилга бўлган эътибордан бошланади	439-446
Н.Бўриева. Бадиий таржиманинг вазифаси ва ўзига хос хусусиятлари	446-450
Х.Хомитова. Она тили darslarini innovatsion yondashuv asosida tashkil etish	450-455
G.Izomova. Savodxonlikni oshirish yo‘lida	455-458